

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-9>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Artur Gambaryan
yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	5
2. Умаров Бекзод Азаматович ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	19
3. Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ.....	26
4. Avezov Umidjon Toshpulatovich JAMOAT BIRLASHMASI SIFATIDA KASABA UYUSHMALARINING HUQUQIY MAQOMI VA YURIDIK TABIATI.....	34
5. Toshmuxammadov Asadbek Yusup o‘g‘li O‘ZBEKISTONDA OMMAVIY TADBIR O‘TKAZISH TARTIBINING HUQUQIY ASOSLARI (QIYOSIY-HUQUQIY TAHLIL).....	43
6. Муракаева Зухра Ильгизаровна СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ НОРМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ АВТОРСКОГО ПРАВА.....	50
7. Джалилов Фуркат Закирович ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ.....	58
8. Иброхимов Жамшид Абдуғофур ўғли ЯЛПИ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	66
9. Jumanazarova Marjona Botir qizi OXIRGI ZARURAT NAZARDA TUTILGAN NORMALARNING RIVOJLANISH TARIXI VA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT KODEKSIGA KIRITILISHINING ZARURATI.....	77
10. Худайкулов Ферузбек Хуррамович ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.....	87
11. Хидоятлов Бахтиёр Батирович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛ: МОҲИЯТИ, ТАВСИФИ ВА АҲАМИЯТИ.....	100
12. Полвонов Нажмиддин Аслидинович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ.....	108



Полвонов Нажмиддин Аслиддинович,
 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
 Академияси мустақил изланувчиси
 E-mail: najmi_1101@mail.ru

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ

For citation: Polvonov Najmiddin Asliddinovich. PROPERTIES SUBJECT TO CONFISCATION IN CRIMINAL PROCEEDINGS. Journal of Law Research. 2022, 7 vol., issue 9, pp. 108-115

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7243423>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик нормалари асосида мусодара қилинадиган мол-мулк объектлари, уларни аниқлаш тартиби ва шартлари таҳлил этилган. Олимларнинг қарашлари ва илгари сурган ғояларидан келиб чиққан ҳолда, мусодара қилинадиган мол-мулк объектлари илмий, назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилди. Таҳлил натижалари юзасидан, мусодара қилинадиган мол-мулк объектларини аниқлашда юзага келадиган муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий хулосалар ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: мусодара, махсус мусодара, жазо, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, моддий ҳуқуқ, процессуал ҳуқуқ, жиноятларнинг олдини олиш.

Полвонов Нажмиддин Аслиддинович,
 Самостоятельный соискатель Академии
 Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан
 E-mail: najmi_1101@mail.ru

ИМУЩЕСТВО, ПОДЛЕЖАЩЕЕ КОНФИСКАЦИИ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются объекты имущества, подлежащие конфискации на основании норм уголовного и уголовно-процессуального законодательства, порядок и условия их выявления. На основе взглядов и представлений, выдвинутых учеными, объекты имущества, подлежащие конфискации, изучались научно, теоретически и практически. По результатам анализа даны научные выводы, направленные на выявление проблем, возникающих при выявлении объектов конфискованного имущества и их устранении, а также предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: конфискация, специальная конфискация, наказание, уголовное право, уголовно-процессуальное право, материальное право, процессуальное право, профилактика преступности.

Polvonov Najmiddin Asliddinovich,
Independent Researcher of Academy of the General
Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan
E-mail: najmi_1101@mail.ru

PROPERTIES SUBJECT TO CONFISCATION IN CRIMINAL PROCEEDINGS

ANNOTATION

This article analyzes the property objects to be confiscated based on the norms of criminal and criminal-procedural legislation, the procedure and conditions for their identification. Based on the views and ideas put forward by scientists, the property objects to be confiscated were studied scientifically, theoretically and practically. Based on the results of the analysis, scientific conclusions aimed at identifying the problems arising in the identification of confiscated property objects and their elimination, as well as suggestions and recommendations for improving the legislation were given.

Keywords: confiscation, special confiscation, punishment, criminal law, criminal procedural law, substantive law, procedural law, crime prevention.

Мол-мулкни мусодара қилиш жиноят-ҳуқуқий характердаги мажбурлов чораси бўлиб, жиноят содир этган шахснинг мулки бўлган объектларнинг ҳаммасини ёки уларнинг бир қисмини ҳақини тўламаслик шарти билан мажбурий равишда давлат мулкига айлантиришдан иборат. Бу турли хил ҳуқуқ тизимларида жиноий жазо турлари тизимида киритилиши ёки жиноий-ҳуқуқий характердаги бошқа чора сифатида қаралиши мумкин.

Бугунги кунда жиноят-процессда мусодара қилинадиган мол-мулклар тоифасини, уларнинг келиб чиқиш манбаларини тўғри аниқлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки уларнинг тўғри аниқланиши жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаларини, яъни жиноятларни тез ва тўла очишга, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслигига ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишга ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашни амалга оширишга хизмат қилади.

Мулкни мусодара қилиш турлари ва унинг предметини ўрганиш замонавий амалиёт талаблари билан чамбарчас боғлиқ. Мусодара қилиш ҳуқуқнинг бир қанча соҳаларида мавжудлиги билан изоҳланади. Чунки мусодара қилиш жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, жиноят содир этган шахсларга нисбатан бир хил таъсир чорасининг турли хил ҳолатлар ва асосларда қўлланишини назарда тутади.

Бирок, биз кўриб чиқилаётган институтнинг тармоқлараро табиати ҳақида эмас, балки жиноят-процессуал тартибга солиш доирасини таҳлил қилсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Мусодара предметини аниқлашда унинг турлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки мусодара қилинадиган мулк объектлари унинг турларидан келиб чиқиб белгиланади. Шунга кўра, мусодара объектларини унинг турларидан келиб чиқиб, таҳлил этамиз.

Турли тарихий даврларда мавжуд бўлган қонун ҳужжатларида мулкни тартиб олиш ва уни мусодара қилишни тартибга солиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Тарихий ривожланишнинг у ёки бу босқичида унинг ҳар хил турлари ва объектларини ажратиш мумкин эди.

Мисол учун айрим олимлар мусодара объектига қайси тоифадаги мулклар киришига қараб уни турларга бўлишни таклиф этади [1, Б.118].

А.И. Коробеев шундай ёзади: “1845 йилдаги Жиноят ва ахлоқ тузатиш жазоси кодекси ва 1903 йилдаги Жиноят кодексига биноан мусодара қилинган нарсаларни (мусодара объектларини) уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчисига, фуқаролик муомаласида фойдаланиш тақиқланган нарсалар (махсус шаклдаги пиктограммалар, қалбаки пуллар, муомалада бўлиши тақиқланган воситалар ва бошқа нарсалар) киритилган.

Иккинчи тоифага жиноят содир этиш воситаси сифатида хизмат қилган нарсалар (жиноят содир этиш қуроли ва воситаси ва бошқалар) киритилган.

Учинчи гуруҳга эса, жинойий йўл билан олинган нарсалар (пора, пул ювиш орқали олинган маблағлар, рухсат этилмаган вақтда ўрмонни муҳофаза қилиш қоидаларини бузган ҳолда кесилган дарахтлар ва бошқалар) киритилган [2, Б.1114].

Демак, ушбу билдирилган фикрдан келиб чиқиб, мол-мулкни мусодара қилишнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин.

- а) фуқаролик муомаласида тақиқланган нарсаларни мусодара қилиш;
- б) жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини мусодара қилиш;
- в) жиноят предметини мусодара қилиш.

Н.А. Лопашенко ушбу институтнинг турлари ҳақида тўхталиб, у ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “узок вақт давомида мусодара икки турга бўлинган: умумий ва махсус (ушбу турларнинг яна бир муқобил кўриниши тўлиқ ёки қисман мусодара қилишдир) [3, Б.107].

Н.А. Лопашенконинг ушбу фикрини таҳлил этадиган бўлсак, бизнинг фикримизча бу ерда мусодара қилишнинг ҳам жиноят ҳуқуқидаги, ҳам жиноят-процессдаги кўринишларини кўриш мумкин. Бунда умумий мусодара (тўлиқ мусодара) жиноят ҳуқуқига хос бўлиб, унинг объектига айбдор шахсга тегишли бўлган барча мол-мулкларни киритиш мумкин.

Махсус мусодара (қисман мусодара) эса, жиноят-процессига тегишли бўлган мажбурлов чораси бўлиб, бунда айбдор шахсга тегишли бўлган барча мол-мулклар мусодара қилинмаслиги мумкин. Бунда айбдор шахснинг содир этган жинояти билан боғлиқ бўлган мол-мулклари ва ушбу мол-мулкларни реализация қилиш орқали қўлга киритган ҳар қандай мулки ва даромадлари мусодара қилинади.

Ушбу фикримизни илмий асослантириш мақсадида Н.В. Шашковнинг қуйидаги фикрини келтираемиз. Умумий мусодара шахсга тегишли бўлган барча мол-мулкни тортиб олишни назарда тутса, махсус мусодара фақат унинг содир этилган жинояти билан боғлиқ бўлган айрим мол-мулкларини мусодара қилишни назарда тутди [4, Б.38].

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, умумий мусодара жинойий жазо сифатида шахснинг барча мулкни, махсус мусодара ҳуқуқий таъсир чораси сифатида айрим тоифадаги мулкларни мусодара қилишни назарда тутди.

Махсус мусодаранинг предмети жиноят содир этиш натижасида олинган, жиноятни тайёрлаш ва содир этиш (молиялаштириш) учун ишлатиладиган нарсалар, жиноят содир этиш қуроли, воситалари ва бошқа мулклар бўлиши мумкин [5, Б.107].

Юқоридагиларга асосан, махсус мусодара қилинадиган мулк турлари рўйхатига қуйидагилар кирилади:

- а) жинойий ҳаракатни тайёрлаш ва амалга ошириш учун тайёрланган жиноят қуроллари ва воситалари;
- б) жиноят натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк;
- в) муомаладан чиқарилган ёки эркин муомалада бўлиши тақиқланган нарсалар (курол-яроқ, гиёҳвандлик воситалари ва моддалар).

Шуни ҳам унутмаслик керакки, мол-мулкнинг бир қисми мусодара қилинганда қисман мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулкларни тўғри аниқлаш ва уларни тўғри ажратиш лозим. Агар мол-мулкнинг бир қисми мусодара қилинган тақдирда, ваколатли органлар мол-мулкнинг қайси қисми мусодара қилинганлигини кўрсатиши ёки мусодара қилинган нарсаларнинг аниқ рўйхатини белгилаб бериши лозим.

Ю.А. Пономаренко “мусодара қилинадиган нарсанинг қонуний асосда шахсга тегишли эканлигига қараб, шахснинг нарсаларини қонуний асосда (мулкчилик ёки бошқа ҳуқуқ) мусодара қилинишини аниқ ажратиб кўрсатиш керак” [6, Б.651] деб ҳисоблайди.

Бу ерда мусодара объектлари шахснинг қонуний асосда унга эгалик қилиши билан боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Мол-мулкни мусодара қилиш шартларидан бири бу ушбу мол-мулкдан жиноят содир этишда фойдаланиш ёки жиноят содир этиш орқали ушбу мол-мулкни қўлга киритиш ҳисобланади.

Шунга кўра, мусодара қилиш вақтида мусодара объектлари доирасига кирадиган мол-мулкларни тўғри аниқлаш лозим. Бунда ушбу мол-мулкга нисбатан шахсда мулк ҳуқуқининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги муҳим ўрин тутаети. Чунки мол-мулк мусодара қилинганда унга нисбатан шахснинг на эгалик ҳуқуқи, на бошқа ҳуқуқи мавжуд бўлати.

Жиноят содир этган шахс мулк ҳуқуқига эга бўлган мол-мулкни мусодара қилиш, ўз навбатида, бу мол-мулкнинг жиноят содир этишда ишлатилганлигига қараб икки турга бўлиниши мумкин.

- а) жиноят содир этишда ишлатилган мол-мулкни мусодара қилиш;
- б) жиноят содир этишда ишлатилмаган мол-мулкни мусодара қилиш [6, Б.652].

С.В. Землюков ва А.В. Коняев Европа мамлакатлари жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганиб чиқиб, мусодара қилишнинг бир нечта турларини ажратиб кўрсатишган [8, Б.48].

Мусодара объектига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

1. Ноқонуний (жиноий) даромадларни мусодара қилиш ёки жиноят содир этиш вақтида ёки жиноят содир этилиши муносабати билан олинган пул, мол-мулк ёки қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиш. Бунга қуйидаги мол-мулклар киради:

- а) пул ва бошқа мол-мулкни натура тарзида мусодара қилиш;
- б) жиноят содир этганлиги учун тўлов сифатида олинган мол-мулкни мусодара қилиш;
- в) жиноий фаолиятни молиялаштириш учун ишлатилган ёки мўлжалланган пул ёки мол-мулкни мусодара қилиш.

Фикримизча, бу ерда кўрсатиб ўтилган пул, қимматбаҳо буюмлар, жиноят содир этилганлиги учун тўлов сифатида олинган мол-мулклар, жиноий фаолиятни молиялаштириш учун ишлатилган ёки мўлжалланган пул ёки мол-мулклар мусодара объектини ташкил этади.

Шу билан бирга, мусодаранинг ушбу турида унинг объекти сифатида мулкий имтиёзлар орқали олинган даромадлар, юқорида кўрсатилган мол-мулклардан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган ёхуд қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлар ва бошқа мол-мулкларни киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Профилактик мусодара.

Профилактик мусодара деганда, жиноят қуроли ва воситаларини ёки жиноят содир этиш орқали қўлга киритилган бошқа нарсаларни мусодара қилиш тушунилади [9, Б.87].

Бу ерда профилактик мусодаранинг аҳамияти, аввало, жиноятларни олдини олишда намоён бўлати. Чунки профилактик мусодара орқали мол-мулк мусодара қилиниши натижасида жиноий ҳаракатнинг давом этишига ҳамда янги жиноий қилмишлар содир этилишига барҳам берилаети.

Профилактик мусодара объектларига қуйидагилар киради:

- а) жиноий ҳаракат қаратилган ашёлар;
- б) жиноят содир этиш ва тайёрлаш учун ишлатилган ёки мўлжалланган ашёлар;
- в) жиноят содир этиш натижасида яратилган ёки уни содир этиш йўли билан олинган ашёлар;
- д) уларга эгалик қилиш жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган ёки ноқонуний бўлган ашёлар [1, Б.119-120].

Фикримизча, жиноят содир этиш натижасида қўлга киритилган ашёларни бошқа мулкка тўлиқ ёки қисман айлантириш орқали олинган ҳар қандай даромадларни ҳам

профилактик мусодара объектига қўшиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу даромадлар орқали бошқа жиноятлар ҳам содир этилиши мумкин.

3. Жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулкнинг ўзини топиб олиш имконсиз ёки қийин бўлган тақдирда, унга тенглаштирилган мол-мулкни мусодара қилиш [8, Б.48].

Айрим тадқиқотчилар мусодара қилинган мол-мулк объектнинг ҳажмига қўра мусодара қилишни иккита турга ажратишни таклиф этишади.

- 1) тўлиқ мусодара;
- 2) қисман мусодара қилиш.

Процессуал мустақилликка қўра мусодара қилишнинг мустақил мусодара ва мустақил бўлмаган турлари ҳам мавжуд.

Мустақил мусодарада асосий жазо тайинланганлиги ёки тайинланмаганлиги аҳамиятсиз ҳисобланади. Мусодаранинг ушбу тури асосий жазодан алоҳида, ҳуқуқий таъсир чораси сифатида қўлланилади. Мустақил бўлмаган мусодара эса, асосий жазо билан биргаликда қўлланилади ҳамда асосий жазодан алоҳида тартибда қўлланилиши мумкин эмас.

Айрим муаллифлар бошқа нарсалар қаторида, мол-мулкни мусодара қилиш жиноий қонун ҳужжатларидан чиқариб ташланмасидан олдин, уни қўллаш асослари ва мақсадларига қараб турларга бўлишни таклиф этган [1, Б.123].

Ушбу фикрларни таҳлил этадиган бўлсак, биринчидан, мусодара жиноят учун жазо бўлиб, жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат мажбурлов чораси бўлган. Бу жиноий ҳаракат учун жазо сифатида қасос олиш хусусиятига эга бўлган ҳамда адолатни тиклаш ва жиноятларнинг олдини олиш учун қўлланилган.

Иккинчидан, бу жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулкни, яъни содир этилган жиноят ишида қўлланиладиган нарсалар мусодара.

Учинчидан, муайян жазо турлари билан бирга қўлланилган бўлиб, суднинг ҳукми асосида амалга оширилган. Уни тайинланиш тарихи шуни кўрсатадики, аксарият ҳолатларда, умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланганда ушбу чора қўлланилган.

Бир вақтлар миллий қонунчилигимизда мусодара қилиш жазоси мавжуд бўлган. Жиноят кодексининг 53-моддасида “Мол-мулкни мусодара қилиш маҳкумнинг мулки бўлган мол-мулкнинг ҳаммасини ёки муайян қисмини ҳақ тўламасдан мажбурий равишда давлат мулкига ўтказишидан иборатдир” деб белгиланган эди. Мол-мулкни мусодара қилиш фақат жазонинг қўшимча тури сифатида жиноят квалификация қилинган модда санкциясида кўзда тутилган ҳолатларда қўлланилиши мумкин эди.

Мол-мулкни мусодара қилишни тайинлашда суд ҳар бир муайян вазиятда жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, айбнинг даражаси ва судланувчининг шахсини инобатга олар эди. Ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб жинояти учун мол-мулкни мусодара қилиш зарурий қўшимча жазо сифатида кўзда тутилганда суд мазкур жазо турини қўллашни мақсадга мувофиқ деб топмаслиги ҳам мумкин эди.

Мол-мулкни қисман мусодара қилишда айнан қайси мулклар мусодара қилиниши лозимлиги кўрсатилар ва ушбу мулкларни ҳақини тўлаб, маҳкумга қолдириш мумкин эмас эди.

Мол-мулкни мусодара қилиш маҳкумнинг барча мулкига қаратилган ҳолларда фақат маҳкумга тегишли мулк объектлари мусодара қилиниб, бошқаларнинг хусусан маҳкумнинг яқин қариндошларининг мол-мулкига қаратилмаган.

Бирок, мусодара институти 2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қонунига асосан жазо чораси сифатида Жиноят кодексидан чиқариб ташланган.

Шундай қилиб, юридик адабиётларда мол-мулкни мусодара қилиш турларини таснифлаш маълум мезонларга, жумладан мусодара объектидан келиб чиққан ҳолда ажратилган.

Ҳозирги вақтда процессуал қонунчиликда мавжуд бўлган мусодара фақат содир этилган жиноятга қайсидир маънода алоқадор бўлган мол-мулкни махсус мусодара қилишни назарда тутди. Бунда айбдор шахсинг барча мол-мулки жиноятга алоқадор эканлиги исботланса, натижада уни тўлиқ мусодара қилиш керак бўлади.

Бир гуруҳ олимлар жиноят-процессуал характерга эга бўлган мусодара институтининг объектларига қуйидагиларни киритишади:

- 1) жиний хатти-ҳаракатни тайёрлаш ва содир этиш учун тайёрланган жиноят қуроллари ва воситалари;
- 2) жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар;
- 3) муомаладан чиқарилган ёки эркин муомалада бўлиши тақиқланган ҳар қандай нарсалар [10, Б.32].

Ушбу фикрни таҳлил этадиган бўлсак, чиндан ҳам жиноят содир этиш орқали қўлга киритилган пул маблағлари ва мол-мулклар, жиноят содир этиш қуроли ва воситалари жиноят-процессуал характерга эга бўлган мусодара институтининг объекти ҳисобланади.

Бирок, ушбу берилган фикрда айрим мусодара объеклари эътибордан четда қолдирилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, бу ерда жиноят содир этиш натижасида қўлга киритилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган даромадлар мусодара объекти сифатида назарда тутилмаган.

Бизнинг фикримизча, юқорида кўрсатиб ўтилган мол-мулклардан фойдаланиш орқали қўлга киритилган ҳар қандай фойда ёки наф ҳам мусодара объектини ташкил этади.

Шу билан бирга, юқоридаги таърифда муомаладан чиқарилган ёки эркин муомалада бўлиши тақиқланган нарсалар ҳам жиноят-процессуал характерга эга бўлган мусодара объекти сифатида кўрсатилган бўлса ҳам, айнан қайси тоифадаги мол-мулклар муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши тақиқланган предметлар доирасига кириши кўрсатиб ўтилмаган.

Бизнинг фикримизча, ушбу тоифадаги мол-мулкларга кучли таъсир қилувчи, захарловчи, портловчи моддаларни, радиоактив материалларни, портлатиш қурилмаларини, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дорилар ҳамда шунга ўхшаш бошқа мол-мулкларни киритиш мумкин.

Бир гуруҳ олимлар эса, муомаладан чиқарилган ва муомалада бўлиши тақиқланган мулкларни жиноят-процессуал характерга эга бўлган мусодара ва хатланадиган мол-мулк объектига киритмасликни таклиф этишади [11, Б.55-56].

Таъкидлаш жоизки, бизнинг фикримизча, муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши тақиқланган мол-мулкларни мусодара қилиш кўпроқ фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланганлиги учун ҳам жиноят-процессуал характерга эга бўлган мусодарага объектларига киритиш мақсадга мувофиқ эмас.

Бошқа бир гуруҳ олимларнинг фикрига кўра эса, мол-мулк ҳар қандай шаклда жиноят содир этиш билан боғлиқ (масалан, жиний фаолиятни молиялаштириш учун ишлатилган ёки мўлжалланган) бўлса, ушбу тоифадаги барча мол-мулк мусодара қилинадиган мол-мулк объектига кириши [12, Б.52-54].

Ушбу таърифда мусодара қилинадиган мол-мулк объектларининг рўйхати аниқ белгилаб қўйилмаган. Ушбу тоифадаги мол-мулкларнинг аниқ рўйхатини белгилаш ҳам мунозарали ҳисобланиб, уларнинг аниқ рўйхат билан чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Лекин бу ерда қайси тоифадаги мол-мулкларни (жиний содир этиш билан боғлиқ бўлган мол-мулкларни) мусодара қилиш белгиланганлигини ижобий баҳолаш мумкин.

А. Лукашов мулкни мусодара қилиш (жиний-ҳуқуқий характердаги бошқа чора сифатида) объектларини умумий ва махсус объектларга бўлишни таклиф этган. Умумий объектларга терроризм, экстремистик ҳаракатлар, уюшган гуруҳ, ноқонуний қуролли гуруҳ ва бошқаларни молиялаштириш учун ишлатилган ёки мўлжалланган пул маблағлари ва мол-мулклар кирса, махсус объектларга эса, жиноят содир этиш қуроли ёки воситалари бўлган мол-мулклар кириши [7, Б.12-19].

Ушбу таърифда мусодара қилинадиган мол-мулк объектларининг чекланган рўйхати берилган.

Бизнинг фикримизча, терроризм, экстремистик ҳаракатларни ҳамда бошқа жиноятларни содир этиш орқали қўлга киритилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, ушбу мол-мулкни реализация қилиш орқали олинган ҳар қандай даромадларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Бошқа бир муаллифлар эса, мусодара қилиш предметини қонуний тартибга солиш асосида унинг қуйидаги турларини ажратишган:

1) жиноятларни содир этиш натижасида олинган пулларни, қимматбаҳо буюмларни ва бошқа мол-мулкни мусодара қилиш;

2) Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 104.1-моддаси “а” бандида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш орқали олинган пул маблағларини, қимматбаҳо буюмларни ёки улардан олинган даромадларни мусодара қилиш;

3) терроризмни, уюшган гуруҳни, ноқонуний қуролли тузилмани, жиний жамоани (жиний уюшмани) молиялаштириш учун ишлатилган пул, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни мусодара қилиш;

4) жиноят содир этиш учун тайёрланган ёки фойдаланилган қурол, асбоб-ускуналар ёки айбланувчига тегишли жиноят содир этишнинг бошқа воситаларини мусодара қилиш [1, Б.125-126].

Юқоридагиларга асосан қуйидаги шахсларнинг мол-мулки мусодара қилиниши мумкин:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва уларнинг яқин қариндошлари;

2) жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар;

3) учинчи шахслар.

Бу ерда бошқа шахслар деганда, мусодара объектига кирадиган мол-мулкнинг жиноят содир этиш натижасида олинганлигини билган ёки билиши мумкин бўлган шахслар (мол-мулкни инсофсиз эгалловчилар) тушунилади.

Ушбу кўрсатиб ўтилган шахсларнинг мол-мулкни мусодара қилиш учун мусодара қилинаётган мол-мулк, албатта, мусодара қилинадиган мулк объектига кириши талаб этилади.

Жиноят ишлари амалиётида мол-мулкни мусодара қилишда жиноят ишига гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб қилинган ёки жалб қилиниши эҳтимоли бўлган шахслар ўзларига тегишли бўлган мулкни бегоналаштирадилар. Лекин бу мулк жиний йўл билан топилмаган бўлади. Бундай ҳолатларда мазкур мулкларни мусодара қилишнинг қонуний асоси мавжуд эмас. Бунда мол-мулкни бегоналаштириш мақсади муҳим аҳамият касб этади. Агар шартнома сохта ёки мол-мулкни мусодара қилишдан яшириш мақсадида мулкни бошқа шахсга сотса, текин фойдаланишга берса, ҳадя қилса, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини инобатга олиб, ушбу мол-мулклар мусодара қилиниши мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Бавсун М.В., Николаев К., Самойлова С. Конфискация имущества в российском уголовном законодательстве: монография. – М.: Юрлитинформ, 2016. – С. 118. (Bavsun M.V., Nikolaev K., Samoilova S. Confiscation of property in Russian criminal law: monograph. – М.: Yurlitinform, 2016. – P. 118).
2. Полный курс уголовного права. В 5 т. Т. I. Преступление и наказание / под ред. А.И. Коробеева. СПб., 2008. С. 1114. (Complete course of criminal law. In 5 vols. T. I. Crime and punishment / ed. A.I. Korobeev. SPb., 2008. P. 1114).
3. Уголовное право. Общая часть: учебник / отв. ред. И.Я. Козаченко. М., 2008. С.713. Цит. по: Лопашенко Н.А. Конфискация имущества. М., 2012. С. 107. (Criminal law. General part: textbook / otv. ed. AND I. Kozachenko. M., 2008. P.713. Cit. by: Lopashenko N.A. Confiscation of property. M., 2012. P. 107).

4. Шашков Н.В. Конфискация имущества: ретроспективный анализ // Наука. Практика. Право. – 2015. – № 11. – С. 38. (Shashkov N.V. Confiscation of property: a retrospective analysis // Nauka. Practice. Right. - 2015. – №. 11. - P. 38).
5. Лопашенко Н.А. Конфискация имущества. М., 2012. С. 107. (Lopashenko N.A. Confiscation of property. M., 2012. P. 107).
6. Пономаренко Ю.А. Конфискация имущества в уголовном праве и законодательстве // Противодействие преступности: уголовно-правовые, криминологические и уголовно-исполнительные аспекты: материалы III Российского Конгресса уголовного права (29–30 мая 2008 г.). М., 2008. С. 651. (Ponomarenko Yu.A. Confiscation of property in criminal law and legislation // Combating crime: criminal law, criminological and penitentiary aspects: materials of the III Russian Congress of Criminal Law (May 29–30, 2008). M., 2008. P. 651).
7. Лукашов А. Специальная конфискация: проблемы судебной практики // Бюллетень нормативно-правовой информации. 2001. № 48. С. 12-19. (Lukashov A. Special confiscation: problems of judicial practice // Bulletin of legal information. 2001. № 48. – P. 12-19).
8. Землюков С.В., Коняев А.В. Конфискация: сравнительно-правовой анализ по странам Европы // Институт конфискации имущества в законодательстве государств – членов Совета Европы и в российском законодательстве: материалы Международного семинара. Барнаул, 2008. С. 48. (Zemlyukov S.V., Konyayev A.V. Confiscation: a comparative legal analysis across European countries // The Institute for Confiscation of Property in the Legislation of the Member States of the Council of Europe and in Russian Legislation: Proceedings of the International Seminar. Barnaul, 2008, P. 48).
9. Николаев, К.Д. Конфискация имущества: понятие, сущность и содержание / К.Д. Николаев // Юридическая практика. – 2015. – № 11. – С. 87. (Nikolaev, K.D. Confiscation of property: concept, essence and content / K.D. Nikolaev // Legal practice. - 2015. – №. 11. - P. 87).
10. Висков Н.В. Специальная конфискация: юридическая природа, уголовно-правовые и уголовно-процессуальные средства обеспечения исполнения: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Волгоград, 2006. 32 с. (Viskov N.V. Special confiscation: legal nature, criminal law and criminal procedural means of enforcement: author. dis. ...cand. legal Sciences. Volgograd, 2006.).
11. Власенко Н. В., Иванова А. Н. Отмена наложения ареста и конфискация на имущество в порядке уголовного судопроизводства // Российская юстиция. 2008. №4 – Б. 55-56. (Vlasenko N.V., Ivanova A.N. Cancellation of arrest and confiscation of property in criminal proceedings // Russian Justice. 2008. № 4. – P. 55-56.).
12. Давыдов В.С. Конфискация имущества как вид наказания за легализацию преступных доходов // Уголовный процесс. 2005. № 3. С. 52-54. (Davydov V.C. Confiscation of property as a form of punishment for money laundering // Criminal process. 2005. No. 3. P. 52-54).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000